



## ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзгидромет Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовнинг 08/1-289 - сонли 2021 йил 2 августда тасдиқланган Ўзбекистонда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилаётган чораларни кенг тарғиб қилиш юзасидан Комплекс Медиа-режанинг 1-банди Норматив (меърий) – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида “Мовий осмон учун тоза ҳаво” мавзуусида Матбуот анжумнини ўтказиши режалаштириди.

Матбуот анжумани 2021 йилнинг 7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Оммавий ахборот коммуникациялар агентлигида ўтказилади.

“Халқаро мовий осмон учун тоза ҳаво куни” жамоатчилик ва давлат идоралари ҳамда аҳолининг эътиборини ҳавони ифлосланиш муаммосига қаратишга, заарли чиқиндиларни камайтиришга, яшил зоналарни кенгайтиришга, экологик тоза саноат ва транспортни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган.

Ижтимоий хабардорликни яратиш ва ҳавонинг сифатини яхшилаш бўйича кенг аҳоли ҳаракатларини тарғиб қилиш. Дунё Ковид-19га қарши кураш олиб бораётган ушбу дақиқаларда алоҳида аҳамиятга эга бўлган нарса. **Атроф мухит сифатини яхшилаш ва ифлосланишини камайтириш**, бу ҳар қандай тирик мавжудотнинг соғлиғи учун фойдалидир. Ҳозирда бу БМТнинг барча аъзо давлатлари ҳаво сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ва ҳаракатларни бошқаришга таклиф қилинадиган долзарб масаладир.

Ҳар йили жаҳонда барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит экологик ҳолатини яхшилаш, экологик вазиятни соғломлаштириш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳимлиги масалаларида хабардорликни оширишга қаратилган **Халқаро мовий осмон учун тоза ҳаво куни** нишонланади. Сўнгги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамият иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг ажралмас қисми эканлигини англаш ортмоқда. Аҳоли сонининг тобора ортиб бориши, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши, шунингдек иқтисодиёт бошқа тармоқларининг ривожланиши бир томондан табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига, иккинчи томондан тоза ҳаво ҳолатининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Шунинг учун шу куни бутун дунёда экологик тадбирлар ўтказилади, уларнинг асосий вазифаси ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ ҳамда барқарор ривожланишининг асосини ташкил этувчи **овий**

**осмонимизда тоза ҳаво** муҳимлигига жамоатчилик диққатини қаратишдан иборат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қайтариб бўлмайдиган иқлим ўзгаришлари кузатилмоқда, бу дунёning барча мамлакатларини жиддий хавотирга солмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, XX асрда кузатилган иқлим илишининг давомийлиги ва даражаси охирги минг йил ичидаги исталган бошқа даврга нисбатан каттароқdir. Ана шу илиш натижасида дунё океанининг ўртача сатҳи 15-20 см га кўтарилди. Шимолий Муз океанидаги муз қатлами 20-40 % га қисқарди, тоғ музликларининг кескин эриши ва ҳатто бутунлай йўқолиши кузатилмоқда. Буларнинг барчаси Ер сайёрасининг турли чеккаларида сув тошқинлари, тропик циклонлар, чанг бўронлари ва қурғоқчилик, чўлланиш ва ерлар таназзулининг авж олиши каби экстремал об-ҳаво ва иқлим ҳодисалари билан бир вақтда рўй бермоқда.

Ўзбекистон шароитларида ҳам иқлим ўзгаришлари ва хавфли табиий ҳодисаларнинг тез-тез тақорланиши жамоатчиликни ташвишга солиб, иқлимий хавфларни бошқариш зарурлигини англашмоқда. Иқлимга боғлиқ эскремал табиий ҳодисалар оқибатларини камайтириш йўлида қўйилган ҳар бир қадам жамиятнинг ҳимояланганини оширади ва барқарор ривожланишга хизмат қиласи.

**Ўзгидрометда Табиий мухит ифлосланиши мониторинги бошқармаси фаолият юритади:** Атроф мухит ҳолатини кузатиш 1972 йилда ташкил қилинган. Белгиланган вазифалар ва ўрганилаётган атроф мухит компонентларига қараб давлат атроф мухит ҳолати мониторинги тизими қуидагиларни ўз ичига олади: атмосфера ҳавоси мониторинги, юза сувлар сифати мониторинги, тупроқлар ҳолати мониторинги, радиация мониторинги, фон мониторинги.

- Атмосфера, юза сувлари ва тупроқ ифлосланиши даражаси устидан кузатувлар ишларини ташкил этиш ва уларга услубий раҳбарлик қилиш;
- Манфаатдор давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни хўжалик фаолияти ва метеорологик шароитлар билан боғлиқ ифлосланиш даражаси тўғрисидаги тизимли ахборот ва прогнозлар билан таъминлаш;
- Давлат сув кадастрининг “Юза сувлар сифати” бўлимини юритиш;
- манфаатдор ташкилотлар сўровига биноан табиий обьектлар ҳолатини таҳлил қилиш ва таҳлилий маълумотномалар бериш.

**Кузатувлар** 25 шаҳар ва аҳоли пунктларида олиб борилади. Республика бўйича 61 та стационар пост ишлаб келмоқда. Уларда атмосфера ҳавосида 12 газли аралашма, 4 оғир металл (кадмий, мис, қўргошин, рух) назорат қилинади. Мониторинг дастури шу жумладан 5 та асосий ифлослантирувчи - чанг (қаттиқ муаллақ заррачалар), углерод оксиди, азот диоксиди, олтингугурт диоксиди, азот оксидини қамраб олади. Саноат ташланмалари

таркиби ҳамда яқин атрофдаги шаҳарлар ва туташган ҳудудларнинг хусусиятларига қараб ўлчов дастурларига бошқа параметрлар (аммиак, фенол, формальдегид, озон, хлор, қаттиқ фторидлар, фторидли водород) кўшиб борилади.

Атмосфера ҳавоси ҳолати ҳар куни суткасига 3 марта (маҳаллий вақт билан 7:00, 13:00, 19:00 да) кузатилади.

### **Юза сувлар ифлосланиши мониторинги**

Юза сувлар ифлосланиши кузатиш пунктларининг кўпчилиги гидрологик станция ва постлар билан бирга жойлаштирилган. Юза сувларнинг гидрокимёвий кузатувлари 59 та сув обьекти, 85 та пункт, 107 та створда 43 ингредиент бўйича олиб борилади, жумладан қуидагиларни ўз ичига олади:

- Кислороднинг биокимёвий истеъмоли;
- Ҳарорат;
- Минералланиш;
- Солиштирма электр ўтказувчанлик;
- Асосий анионлар, катионлар ва ифлослантирувчи моддалар.

Юза сувлари намуналари кузатув пунктларида ҳар ойда ёки асосий гидрологик фазаларда олинади.

Гидробиологик кузатувлар Тошкент вилоятининг 10 та сув обьектида 27 та створда перифитон, зообентос ва макрофитлар кўрсаткичи бўйича олиб борилади. Сув сифати синфи ва сув обьектларининг экологик ҳолатини тавсифлаш учун ИМХ да ишлаб чиқилган ва минтақа хусусиятларига мослаштирилган минтақавий биотик индекслар: биотик перифитон индекси ва Вудивис модификацияланган биотик индексидан фойдаланилади.

### **Тупроқ ифлосланиши мониторинги**

Кузатувлар Ўзбекистоннинг асосий қишлоқ хўжалик туманлари ва йирик саноат шаҳарлари атрофидаги олиб борилади. Тупроқ намуналари асосий қишлоқ хўжалик туманларида бир йилда 2 марта (баҳор ва кузда), йирик шаҳарлар атрофидаги эса даврий дастур бўйича 5-6 йилда 1 марта олинади. Қишлоқ хўжалик туманлари тупроқларида хлорорганик ва фосфор органик пестициidlар, дефолиантлар, pH ва гумус аниқланади. Саноат шаҳарлари атрофидаги тупроқларда саноат келиб чиқишига эга ифлослантирувчи моддалар ҳамда оғир металлар мавжудлиги таҳлил қилинади.

### **Радиация мониторинги**

Ўзгидрометнинг 25 та стационар пунктида умумий бета-фаоллик ва аэрозолларнинг изотоп таркиби кузатилади, шунингдек, 42 та станцияда гамма-нурланиш экспозицион дозасининг кувват даражаси ўлчанади.

## **Фон мониторинги**

Тошкент вилоятининг Паркент туманида табиий муҳит объектларининг фон ҳолати ва унинг ўзгариш тенденциялари тўғрисида маълумот олиш мақсадида “Чотқол қўриқхонаси” (Фарбий Тянь-Шань) табиий муҳит комплекси фон мониторинги станцияси ташкил қилинган.

Мониторинг натижалари куйидаги ахборот маҳсулотларида акс эттирилади:

- Тошкент шаҳар ҳаво ҳавзаси ифлосланиши ҳолати тўғрисидаги кундалик экологик бюллетен ([www.meteo.uz](http://www.meteo.uz));
- Тошкент, Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Чирчик шаҳарлари атмосфера ҳавоси ифлосланиши ҳолати тўғрисидаги ойлик маълумот;
- Табиий муҳитнинг юқори ва экстремал юқори ифлосланиши тўғрисида ойлик маълумот;
- Асосий сув оқимларининг гидрокимёвий кўрсатгичлар бўйича ойлик сув сифати бюллетени;
- Тошкент вилояти асосий сув оқимлари экологик ҳолати ва улардаги сувнинг гидробиологик кўрсатгичлар бўйича сифати ойлик бюллетени;
- Ўзгидромет кузатув тармоғи қамраб олган худуддаги табиий муҳит объектлари ифлосланиши ҳолати тўғрисида чораклик маълумот;
- Ўзгидромет фаолияти худудида юза сувлар сифатининг йиллик ҳолати;
- Ўзгидромет фаолияти худудидаги шаҳарлар атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолати шарҳи;
- Ўзгидромет фаолияти худудидаги тупроқ ифлосланишининг йиллик ҳолати.

**Аҳоли яшаш пунктларда ҳаво сифатини мониторинг қилиш ҳамда гидрометеорологик маълумотларни визуаллаштириш бўйича янги “[monitoring.meteo.uz](http://monitoring.meteo.uz)” геопартал яратилди, шунингдек мобиъл иловаси ишга туширилди.**

**MODIS** ускунаси модернизация қилинди натижада кунига **4 марта** республиканинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида қор қоплами баландлигини ўлчаш орқали сув миқдори ҳисобини юритиш ва **қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетация индекси зичлигини аниқлашга** эришилди.

Гидрометеорология фаолиятида **сунъий йўлдош** ва ерни масофадан зондлаш технологияларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, гидрометеорологик маълумотлар билан алмашиш учун маълумотлар узатишнинг ягона телекоммуникация тармоғини яратиш бўйича **дастур тасдиқланди**.